

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02. РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

УДК: 338.054.23:339.138

ТУРСУНХҮЖАЕВ САРДОР ЖАМОЛИДДИН ЎҒЛИ

**КОРХОНАЛАР ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА
МАРКЕТИНГ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ**


08.00.11 - Маркетинг

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар: и.ф.д, проф. А.А.Хошимов
и.ф.д, доц. Б.О.Турсунов**



ТОШКЕНТ – 2022 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I-БОБ. КОРХОНАЛАР ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МАРКЕТИНГ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....	12
§1.1. Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг илмий-назарий асослари.....	12
§1.2. Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда рақобат разведкаси маркетинг воситаси сифатида.....	28
§1.3. Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини баҳолаш услугиёти.....	36
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	47
II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МАРКЕТИНГ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....	49
§2.1. Ўзбекистонда радиоэлектроника, электроника ва асбобсозлик саноатининг ривожланиши.....	49
§2.2. Ўзбекистон саноат корхоналари иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик тахлили.....	58
§2.3. «Ўзэлтехсаноат» АЖ таркибидаги корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини маркетинг воситалари орқали баҳолаш	69
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	76
III-БОБ. «ЎЗЭЛТЕХСАНОАТ» УЮШМАСИ ТАРКИБИДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МАРКЕТИНГ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	78
§3.1. 3.1. Корхоналарда маркетинг воситаларидан фойдаланиш орқали иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг замонавий усувлари.....	78
§3.2. Рақобат шароитида электротехника саноати корхоналари иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда маркетинг воситаларидан самарали фойдаланиш йўллари.....	88
§3.3. «Ўзэлтехсаноат» АЖ таркибидаги корхоналарнинг 2030 йилгача ривожланиш истиқболлари ва корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда маркетинг воситаларидан фойдаланиш йўналишлари.....	104
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	115
ХУЛОСА.....	117
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	121
ИЛОВАЛАР.....	134

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобал рақобатнинг кучайиши шароитида етакчи тармоқларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш зарурати иқтисодий хавфсизликни таъминлаш муаммосига турли жиҳатлардан ёндашувларга олиб келмоқда. Тармоқ корхоналарининг ушбу муаммоси ечимини таъминлашда маркетинг воситаларидан фойдаланишга ўзига хос ёндашув сифатида қаралмоқда. «Жаҳонда охирги тўрт йилда иқтисодий хавфсизликни таъминлашда маркетинг хизматлари ҳажми 130 миллиард доллардан 200 миллиард долларга етди. Катта миқёсдаги корпоратив маълумотлар базалари, мобил иловалар, веб-таҳлил маълумотлари ҳамда ижтимоий медиа маълумотлари катта ҳажмдаги маълумотлар базаси билан ишлашга янги маркетинг воситаларини жорий этишни тақозо қилди. Маркетингнинг асосий жиҳати бўлган мижозлар билан муносабатларни яхшилаш, бир нечта турли хил маълумотлар манбалари бўйича корреляцияларни топиш ҳамда маҳсулот ёки хизматларни сотишни башорат қилиш каби вазифаларни бажариш учун маркетинг воситаларидан фойдаланиш долзарб ҳисобланади»¹. Мазкур ҳолатлар бугунги кунда етакчи ва истиқболли тармоқ ҳисобланган электротехника саноатини барқарор ривожланишини таъминлашда маркетинг воситаларидан кенгроқ фойдаланишни тақозо этмоқда.

Электротехника саноати ривожланган давлатларда мазкур тармоқда ресурс ва энергия тежаш технологияларидан кенг фойдаланиш асосида бошқа тармоқлардаги маҳсулот таннархини пасайтириш, институционал, ҳукукий ва инвестицион муҳитни яратиш, корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш, тармоқни модернизациялаш, бошқариш тизимида бозор механизмларини кенг жорий қилиш, корхоналарни иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиш каби йўналишларда кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу нуқтаи назардан, электротехника саноати корхоналари иқтисодий хавфсизлигини замонавий маркетинг ёндашувлари

¹ Stephen L. France, Sanjoy Ghose. Marketing analytics: Methods, practice, implementation, and links to other fields. Expert Systems with Applications. Volume 119, 1 April 2019, Pages 456-475. <https://doi.org/10.1016/j.eswa.2018.11.002>